Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 100 (5961).

25 МАЙ ЧОРШАНБА

1977 ИИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область Ҳурмат тахтасига ёзилди:

ПИСКЕНТ РАЙОНИ. Район партия комитетининг биринчи секретари **С. Д. Сайдалиев**, район ижроия комитетининг раиси **М. Халидов**, район комсомол комитетининг секретари **А. Носиров**, пилла қуритиш бош корхонасининг директори **Б. Дадажонов**.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ. Район партия комитетининг биринчи секретари **А. Б. Сандхўжаев**, район ижроия комитетининг раиси **В. Ф. Шек**, район комсомол комитетининг секретари **Ш. Смаиалиева**, пилла қуритиш бош корхонасининг директори **А. Арапов**.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ. Район партия комитетининг биринчи секретари **М. Э. Эгамбердиев**, район ижроия комитетининг раиси **Т. Мирёқубов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Икромов**, пилла қуритиш бош корхонасининг директори **У. Абжалова**.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Куйбишев номли колхоз—раиси **С. Абдуллаев**, партия ташкилотининг секретари **Э. Муродов**, пиллачилик агротехниги **Ж. Алимов**.

Ҳ. Олимжон номли колхоз—раиси **Ҳ. Эргашев**, партия ташкилотининг секретари **М. Юсупова**, пиллачилик агротехниги **Ю. Жилянов**.

Охунбобоев номли колхоз—раиси **А. Холиқов**, партия ташкилотининг секретари **А. Умурзоқов**, пиллачилик агротехниги **А. Худойбоқов**.

Навоий номли колхоз—раиси **Б. Ғаниев**, партия ташкилотининг секретари **А. Гасанов**, пиллачилик агротехниги **И. Мақсудов**.

Калинин номли колхоз—раиси **А. Совғабоев**, партия ташкилотининг секретари **А. Қаршибоев**, пиллачилик агротехниги **А. Бегимқулов**.

«Ленинизм» колхози—раиси **М. Жуманов**, партия ташкилотининг секретари **Э. Исматов**, пиллачилик агротехниги **А. Мингоев**.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1977 йил 24 май куни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

Пленум КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Конституция комиссиясининг раиси ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституциясининг лойиҳаси тўғрисида»ги докладини тинглади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз докладида аввало, СССРнинг янги Конституциясини яратиш зарурати келиб чиқиш сабабларини тўғрисидаги масалага тўхталди. Ҳозир амалда бўлган Конституция қабул қилинганидан кейинги қирқ йил мобайнида, деди у, мамлакатимизда, бутун жамиятимизда чуқур ўзгаришлар рўй берди. Совет Иттифоқида ривожланган, етук социалистик жамият барпо этилди. Коммунистик партия раҳбарлигидаги социалистик қурилишнинг муваффақиятлари натижасида ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида катта, принципиал ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакат экономикаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Унда мулкчиликнинг социалистик формалари танҳо ҳукмронлик қилмоқда. Ягона қудратли халқ хўжалик организми фан-техника революцияси ютуқларини социалистик тузум афзалликлари билан бирга қўшиш асосида ривожланмоқда. Совет жамиятининг социал бир хиллиги ўсмоқда. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи янада мустаҳкамланди. Асосий социал группалар ўртасидаги тафовутлар қадамба-қадам тугаб бормоқда. Мамлакатимизнинг ҳамма миллат ва элатлари ўз ҳаёти давомида бир-бирига тобора кўпроқ яқинлашмоқда. Одамларнинг янги тарихий бирлиги—совет халқи вужудга келди. Етук социализм қурилиши билан, аҳоли барча қатламларининг ишчилар синфининг ғоявий-сиёсий позицияларига ўтиши билан пролетариат диктатураси тариқасида вужудга келган давлатимиз ҳам ўсиб, умумхалқ давлатига айланди. Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва дунёнинг бутун социал-сиёсий қиёфаси жуда ўзгариб кетди. СССРнинг капитализм томонидан қуршаб олинганлигига барҳам берилди. Социализм жаҳон системасига айланди, қудратли социалистик ҳамдўстлик вужудга келди. Жаҳон капитализмининг позициялари анча заифлашди. Собиқ мустамлакалар бўлмиш ўнлаб ёш давлатлар империализмга қарши ҳаракат қилмоқдалар. Гарчи янги жаҳон урушининг олдини олиш ҳали сабот билан катта куч-гайрат сарфлашни талаб қилаётган бўлса ҳам, бу урушга йўл қўймасликнинг реал имконияти вужудга келди.

Коммунистик партия раҳбарлигидаги совет халқи эришилган муваффақиятларга таяниб, эндиликда коммунистик қурилишнинг тарихий вазифаларини ҳал этмоқда.

КПСС XXV съездининг йўл-йўриқларига биноан СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида ана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси ўз ифодасини топди.

Лойиҳани тайёрлаш вақтида Совет давлат қурилишининг В. И. Ленин асослаган принциплари, Совет давлати аввалги Конституцияларининг қоидалари, шунингдек кейинги йилларда қабул қилинган ва СССРдаги ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларини тартибга соладиган кўпдан-кўп янги қонун актлари тўла-тўкис ҳисобга олинди. Қардош социалистик давлатлар Конституцияларини ривожлантириш тажрибаси ҳам ҳисобга олинди. Янги Конституция лойиҳаси ана шундай мустаҳкам асослар негизида вужудга келтирилди.

Аввало, бош йўналиш сифатида социалистик демократияни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш давлатимиз ривожининг янги босқичини, совет халқининг энг муҳим ютуқларини ва коммунистик қурилишнинг халқ олдида турган вазифаларини акс эттирувчи ана шу лойиҳа мазмунига хос хусусиятдир.

Лойиҳада социалистик давлатнинг сиёсий асоси бўлган ҳамма поғоналардаги Советларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият принциплари айни шу йўналишда ўзининг янги ривожини топди. Совет гражданларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалар, жумладан уларнинг социал-иқтисодий ҳуқуқлари, гражданлик ҳуқуқлари ва эркинликлари гражданларнинг давлат олдидаги, халқ олдидаги вазифалари билан бир қаторда айни шу йўналишда атрофлича ишлаб чиқилди.

Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Конституция лойиҳасида баён этилган муҳим қоидалар ҳам худди шунга мувофиқ бўлади.

Лойиҳанинг «Социал ривожланиш ва маданият» деган махсус бобида давлат маориф, фан ва санъатни ривожлантириш тўғрисида, гражданларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиши айтилган.

Лойиҳада миллий-давлат тузилиши масалаларининг ҳал этилиши кўп миллатли иттифоқимизнинг мустаҳкам манфаатларини уни ташкил этган республикалардан ҳар бирининг манфаатлари билан чинакам демократик равишда боғлашни таъминлайди, Советлар мамлакатидаги барча миллат ва элатларнинг ҳар тарафлама равнақ топиши ва бир-бири билан муттасил яқинлашишини таъминлайди.

Лойиҳага халқ хўжалигимизга раҳбарликнинг асосий принциплари қўшилиши социалистик экономикамизнинг қудратли суратда ўсиши билан боғланган.

Янги Конституция лойиҳасининг махсус боблари СССРнинг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатига ва социалистик Ватанни ҳимоя қилишга бағишланган.

Янги Конституциянинг қабул этилиши, деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев, мамлакатнинг ички ҳаёти учун ҳам, шунингдек социализм, тинчлик ва тараққиёт кучлари халқаро майдондаги позицияларини мустаҳкамлаш учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Янги Конституция қоидаларининг рўёбга чиқарилиши бутун давлат ва хўжалик фаолиятимизнинг, ҳокимият ва бошқарув органларининг бутун ишини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариши лозим, бу эса, миллион-миллион совет кишиларига экономикани бошқаришга, давлат аппарати иши устидан контроллик қилишга янада активроқ қўшилиш имконини беради.

Бизнинг янги Конституциямиз, деб таъкидлади ўртоқ Брежнев, социалистик давлат қандай ривожланиб, социалистик демократияни тобора мустаҳкам ва чуқур қарор топтираётганлигини бутун дунёга яққол кўрсатади, бизнинг социалистик демократиямиз қандайлигини, унинг моҳияти нимадан иборат эканлигини яққол кўрсатади.

Бизнинг янги Конституциямиз жаҳон социализми тажрибасининг муштарак хазинасини бойитади, чет эллардаги меҳнаткашларнинг озодлик кураши учун илҳомбахш намуна бўлади.

Сўнгра ўртоқ Брежнев янги Конституциянинг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиши муносабати билан мамлакат партия ва совет органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг вазифаларига тўхталиб ўтди. У Конституция лойиҳасининг максимал даражада кенг, эркин ва чинакам амалий муҳокама этилишини таъминлашга чақирди.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган шонли йилда давлатимиз ва жамиятимиз ривожининг асосий масалалари умумхалқ томонидан муҳокама этилиши, бунда ғоят кенг меҳнаткашлар оммасининг актив иштирок этиши мамлакат бутун ижтимоий турмушини активлаштиришнинг қудратли омили бўлади, халқнинг янги-янги ижодий кучларини қулф урдиради, социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёздиради, деди ўртоқ Брежнев.

Пировардида ўртоқ Брежнев бундай деди: СССРнинг янги Конституцияси қабул қилиниши мамлакатимиз сиёсий тарихида муҳим бэсқич бўлади. Бу босқич ленинчи партиямизнинг, социалистик давлатимизнинг, бутун совет халқининг коммунизм қурилиши улуғ ишига ва шу билан бирга, бутун дунё меҳнаткашларининг озодлик учун, инсоният тараққиёти учун, Ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашидан иборат интернационал ишга қўшган яна бир тарихий ҳиссаси бўлади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади юзасидан бўлган музокараларда: Украина Компартияси Донецк область комитетининг биринчи секретари Б. В. КАЧУРА, КПСС Пенза область комитетининг биринчи секретари Л. Б. ЕРМИН, Қозоғистон Компартияси Кўкчатов область комитетининг биринчи секретари Е. Н. ОВУЛБЕКОВ, КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари В. П. ОРЛОВ, Узбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. М. МУСАХОНОВ, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. ГРИШИН, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. РОМАНОВ, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг пленуми СССР Конституциясининг Конституция комиссияси тақдим этган лойиҳасини асосан маъқуллади ва СССР Олий Совети Президиумига уни умумхалқ муҳокамасига қўйишни тавсия этди.

Марказий Комитет пленуми шу масала юзасидан қарор қабул қилди, бу қарор бугун матбуотда эълон қилинмоқда.

Марказий Комитет пленуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Сусловнинг «СССР Давлат гимни тўғрисида»ги ахборотини тинглади. Пленум СССР Давлат гимнининг тексти ва музикавий редакциясини маъқуллади ҳамда бу масалани СССР Олий Совети Президиуми муҳокамасига топширди.

КПСС Марказий Комитетининг пленуми ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқди:

Пленум ўртоқ Н. В. Подгорнийни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Пленум ўртоқ К. В. Русаковни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Пленум ўртоқ К. Ф. Катушев Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига ишга ўтганлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилди.

Шу билан Марказий Комитет пленуми ўз ишини тамомлади.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1977 ЙИЛ 24 МАЙ КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИ

КПСС Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Конституция комиссиясининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституциясининг лойиҳаси тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама этиб, қарор қилади:

1. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституциясининг Конституция комиссияси тақдим этган лойиҳаси асосан маъқуллансин.

2. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституциясининг лойиҳаси тўғрисидаги масала СССР Олий Совети Президиумига топширилсин ва СССР Олий Совети Президиумига уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш тавсия этилсин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ДАВЛАТ ГИМНИ ТЎҒРИСИДА


КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1977 ЙИЛ 24 МАЙ КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Давлат гимнининг тексти ва музикавий редакцияси маъқуллансин ҳамда у СССР Олий Совети Президиумининг тасдиғига ҳавола этилсин.

ОКТЯБРЬ БОҒИ — ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

БЕКОБОД районидаги «Партия XXV съезди» совхози мактабгачa ёшдаги болалар муассасаси ҳовлисида ўтказилган ҳашарда.

Т. Маҳкамов фотолари.



ЯХШИРОҚ ИШЛАЙЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТНИ ОШИРАЙЛИК!

БИР ГРАММ МЕТАЛЛ БИР ТОННА МЕТАЛЛНИ ТЕЖАБ ҚОЛАДИ

«ТАШСЕЛЬМАШ» заводининг механика цехида токарлик — винт қирқувчи икки станок батамом бўшатилди. Илгари бу станокларда пахта терадиган машина подшипникларининг корпуслари ишланарди.

Корхонанинг темирчилик — тайёрлаш цехида рационализаторлар подшипникларни ва аниқликнинг оширилишини таъминлайдиган технология юзасидан бошқа деталларни қўплаб штамповка қилишни йўлга қўйдилар. Шунинг натижасида заготовкаларни механик ишлаш ҳажми кескин камайиб, ишлаб чиқаришга зарур бўлган иккита станок бўшади. Айни пайтда илгари қириндига чиқиб кетадиган анчагина пўлат тежаб қолинди. Бу янгилик автори — бўлим инженери, бош металлург В. Перфилов, темирчилардан А. Федосеев ва Н. Родионов. Виктор Григорьевич Перфилов шахсий ижодий планни бажара бориб, бу ишга бошчилик қилди.

«Бир грамм металл бир тонна металлни тежаб қолади» «Ташсельмаш» заводи темирчилари бу шиорни оғишмай амалга ошириш учун интиладилар. Улар беш йилликнинг иккинчи йилида амалга ошириладиган қатор тадбирларни ишлаб чиқишдики, бу тадбирлар коллектив тежаб қоладиган пўлат фондини ой сайин кўпайтириш имконини беради. Масалан, машиналарнинг энг кўп ишлатиладиган деталлари — болтларни иссиқ штамповка қилишни жорий этиб, новаторлар ишлаб чиқариш маданиятини, буюмларнинг сифатини оширдилар. Пропускларни камайтириш ҳисобига планлаштириб қўйилган 46 тонна металлсиз иш кўрилди.

Ҳозир ўтган йили «СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг энг яхши технологи» унвонига сазовор бўлган инженер Перфилов штамповка операцияларини аниқликнинг юқори классига ўтказиш билан банд. Йил мобайнида 87 та детални янги технологияга кўчириш мўлжалланмоқдаки, бу инженерларнинг қилган ҳисоб-китобларига кўра, 500 тонна қора металлар прокатини тежаб қолади, шунга яраша машиналардан унумли фойдаланиш имконияти туғилади.

«Ташсельмаш» заводининг темирчилари металлни тежаш юзасидан ўзларининг йиллик мажбуриятларини тўрт баравар ортиғи билан бажардилар. Ҳозир «тежамкорлар фонди»да 154 тонна металл бор. Шуни ҳам айтиш керакки, пахта терадиган битта машинанинг оғирлиги беш тоннадан саккиз тоннагача бўлади.

Р. ГРИШИН,
ЎзТАГ мухбири.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 24 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида) Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён:

Бекобод	0,9	118,6
Калинин	1,7	116,7
Янгийўл	3,8	115,4
Чиноз	4,7	110,8
Оққўрғон	—	109,5
Тошкент	1,1	105,8
Ўрта Чирчиқ	10,8	105,3
Пискент	4,1	104,3
Қуйи Чирчиқ	8,9	104,2
Оржоникидзе	1,7	102,6
Бўка	23,1	96,1
Бўстонлиқ	11,6	11,6
Оҳангарон	—	—
Юқори Чирчиқ	—	—
Область бўйича:	5,0	87,0

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ҲАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА ШУ ЙИЛ 24 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун —мавсум бошидан буён.

Оққўрғон	0,1	51,6
Калинин	1,0	48,6
Бўка	0,2	48,4
Пискент	3,1	44,5
Тошкент	0,2	43,9
Оҳангарон	1,3	39,3
Янгийўл	—	35,6
Ўрта Чирчиқ	0,4	35,2
Оржоникидзе	0,2	34,3
Бекобод	—	34,1
Чиноз	1,9	33,6
Қуйи Чирчиқ	0,2	28,3
Юқори Чирчиқ	0,6	17,1
Бўстонлиқ	1,1	16,0
Область бўйича	0,8	35,6

ОҒЗАКИ АГИТАЦИЯ КУЧИ

Завод партия ташкилоти КПСС XXV съезди қарорларига амал қилиб, меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар савиясини кўтариш учун кенг кўламда иш олиб бормоқда. Бу ишнинг ғоявий-назарий даражасини яхшилаш, сиёсий агитациянинг ленинча нормаларини тўғри қўллашга диққат қилиняпти. Цех, группа партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишлар пропагандасининг форма ва методларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Корхонамизда 120 кишидан ортиқ сиёсий ахборотчи бор. Улар ўнинчи беш йиллик топшириқларини зиёдаси билан адо этиш учун бутун куч ва ғайратларини ишга солмоқдалар. Ишчи-хизматчиларнинг сафарбарлигини кучайтирмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликда коллективимиз олдида улкан вазифалар туришти. Уни муваффақиятли адо этиш учун шубҳасиз ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида юксак унумдорликка эришиш, коллектив ўртасида меҳнат ва давлат интизомини яхшилаш, фан ва техника ютуқларини тезкорлик билан ишлаб чиқаришга жорий этмоқ лозим. Агитатор, сиёсий ахборотчилар, умуман идеология кадрларимизнинг бутун фаолияти ана шунга қаратилган. КПСС Марказий Комитетининг огзаки сиёсий агитацияни янада ривожлантириш ҳақидаги қарори биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Оммавий-сиёсий ишлар меҳнаткашлар оммасига партиямизнинг сиёсий ва иқтисодий сиёсатини ҳар томонлама тушунтиришга қаратилган.

Сиёсий ахборотчилар суҳбатларда корхона олдида турган муҳим вазифалар ва уларни бажариш ҳақида йўл-йўриқлар беришмоқда. Умуман олганда завод партия комитети, сиёсий маориф кабинети ўзининг оммавий-сиёсий ишлар перспектив планини кенг йўналишда тузган. Ўтказилаётган ҳафталик сиёсий ахборотларда партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмалари, халқаро масалалар, граждан ва меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа масалалар бўйича қатор лекция ва суҳбатлар уюштирилаяпти, бошқа тадбирлар амалга

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ТАЖРИБАСИДАН

оширилмоқда. Бу борада айниқса 1-механика йиғув цехи сиёсий ахборотчиларининг ишлари намунали ташкил этилган. 16 сиёсий ахборотчининг кўпчилиги коммунистлардир. Сиёсий ахборотчилар группасининг раҳбари катта мастер И. Зайцев оммавий-сиёсий ишларнинг яхши ташкил этилишини таъминламоқда.

Цехга кираверишда кўзга ташланадиган жойда сиёсий ахборот бўйича план осиб қўйилган. Қачон қандай тадбир амалга оширилган, канча одам қатнашди, қайси масалалар муҳокама қилинди, ҳаммаси акс эттириб борилади. Группа раҳбари сиёсий ахборот кунлари суҳбатларни эшитади, сиёсий ахборотчиларга маслаҳатлар беради, илғор тажрибаларни пропаганда қилади. Бу ерда айниқса цех мастери коммунист Л. Рябухининг тажрибаси диққатга сазовордир. У ўз иш фаолиятини слесарь йигувчига шогирдликдан бошлаган. Орада Чирчиқ индустриал-саноат техникумини тугатди, ҳозир энг ишчан ва обрўли мастер, сиёсий ахборотчидир.

Шу цехнинг 1-механика участкаси корхонадагина эмас шаҳарда кўзга кўринган илғор коллективлардан бири ҳисобланади. Худди шу участканинг ишчиси В. Мамаев тўққизинчи беш йилликда икки беш йилликни бажаришга аҳд қилган тўққиз ташаббускорнинг биридир. Илғор ишчидан намуна олган токарь К. Никитин, И. Имайкин, сверловкачи В. Мельниковлар ҳам икки беш йилликни бир беш йилликда бажаришмоқчи.

Ташаббускорларнинг сафи ўсиб мустаҳкамланиб бормоқда. Ана шу муваффақиятларда сиёсий ахборотчи Л. Рябухининг муносиб ҳиссаси бордир. У ўз суҳбатларида кишиларнинг онгини оширишга интилади. Коллективни социалистик мажбуриятларни знёдаси билан адо этишга сафарбар этмоқда. У бутун билимини одамларга етказишга интилади. Партия топшириқларини виждонан бажаради. Айниқса унинг илғор тажрибани пропаганда қилиш борасида олиб бораётган ишларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Суҳбатларида турли жадвал ва диаграммалардан ўринли фойдаланади. КПСС XXV съезди материалларини пропаганда қилар экан, маҳаллий материаллар билан бойитиб боради. У кейинги вақтларда «КПСС XXV съезди қарорлари ҳаётга», «Социалистик мулкни сақлаш ҳар бир кишининг бурчидир», «Барча резервлар беш йиллик хизматига», «Совет турмуш тарзининг қирралари» шунингдек турли ташаббуслар ҳақида суҳбатлар олиб борди.

Биз ўртоқ Л. Рябухин каби идеология фронтининг биринчи сафларида бораётган ажойиб сиёсий ахборотчиларнинг илғор тажрибаларини кенг пропаганда қилишга интилаяпмиз. Ҳар бир киши ўз ишидан мамнун бўлса, узоқни кўра билса, меҳнат унуми ҳам юқори бўлади. Бунда эса тушунтириш ишларини олиб бораётган сиёсий ахборотчи, сиёсий ташкилотчи, шунингдек агитаторларнинг ҳиссаси каттадир. Шунинг учун ҳам биз корхонамиздаги барча идеология ходимларининг савиясини ошириб, уларга турли методик кўрсатмалар бериб бораяпмиз, дунё қарашларини кенгайтиришга интилаяпмиз. Бу ишлар социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъмин этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ф. АВТОНОМОВА,
«Узбекхиммаш» заводи партия комитети сиёсий маориф кабинетининг мудири.



ТОШКЕНТДАГИ санитария-техника жиҳозлари заводи коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқда. Унда иштирок этаётган айрим ишчилар нормани ошириб бажаришмоқда. Йўлдош Худоёров ҳам ана шундай илғорларнинг бири. Унинг сменадаги меҳнат кўрсаткичи 130 процент ва ундан ортиқроқни ташкил этмоқда. И. Шоноғомов фотоси.

ТОШКЕНТ—ИВАНОВО

МЕҲНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1977 ЙИЛ ЯНВАРЬ—АПРЕЛИДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

	Областлар	
	Тошкент	Иваново
САНОАТ		
Реализация планининг бажарилиш процента	102,9	101,3
Пландан ташқари реализация қилинди— миллион сўмлик	44,7	24,6
Реализация планини бажармаган корхоналар сони	11	36
Саноат ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	101,1	99,6
Меҳнат унумдорлигининг ошиши — процент ҳисобида	103,4	102,1
Меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаган корхоналар сони	47	71
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш процента	96,5	99,3
Газламалар ишлаб чиқариш планининг бажарилиш процента	99,3	99,3
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ		
Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш биринчи ярим йиллик планининг бажарилиши процент ҳисобида:		
чорва ва парранда	77,3	51
сут	72,2	59
тухум	78,6	77
1977 йилнинг январь-апрелида колхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги: Тирик вазнда сўйиш учун топширилган чорва ва парранданинг асосий турлари —минг тонна	11,1	147,7
1977 йилнинг январь-апрелида 1976 йилнинг январь-апрелига нисбатан процент ҳисобида	104,0	86
Соғиб олинган жами сут — минг тонна	40,6	114,6
1977 йилнинг январь-апрелида 1976 йилнинг январь-апрелига нисбатан процент ҳисобида	106,6	113
Товуқ тухуми етиштириш — миллион дона —	77,8	96,4
1977 йилнинг январь-апрелида 1976 йилнинг январь-апрелига нисбатан процент ҳисобида	134,4	123
Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори— килограмм	985	751
1977 йилнинг январь-апрелида 1976 йилнинг январь-апрелига нисбатан процент ҳисобида	104,3	108
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори—дона	61	75
1977 йилнинг январь-апрелида 1976 йилнинг январь-апрелига нисбатан процент ҳисобида	105,2	93
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ		
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиш процента	85	81
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиш процента	87	78
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиш процента	89	85
САВДО		
Давлат ва кооператив савдоси, умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради, товар обороти планининг бажарилиш процента	100,8	99,6
Чакана тармоқ товар обороти	100,8	99,4
Умумий овқатланиш товар обороти	101,5	100,7
МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ		
Маиший хизмат кўрсатиш жами ҳажмининг бажарилиши — процент ҳисобида	101,5	101,0

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш умумдавлат аҳамиятига эга бўлган муҳим социал вазифадир. Бу соҳада айниқса кейинги йилларда талайгина муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Республикамизда бўлгани каби пойтахт областида ҳам ҳозир кўпгина намунали туғруқхоналар, ёш оналар учун консультация пунктлари ишлаб турипти. Уларда малакали шифокорлар фаол меҳнат қилмоқдалар.

Пойтахтимизда жойлашган республика оналар ва болалар илмий-текшириш институти ҳам чинакам шифобахш даргоҳга айланган. Бу ерда олиб борилаётган тадқиқот ишлари кўлами кенгайиб кетди.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган «Оналикни ва болаликни муҳофаза қилайлик» мавзусига бағишланган республика илмий-амалий конференцияда ана шулар ҳақида гапирилди.

Конференцияда область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг секретари Н. К. Савченко, Чирчиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси А. И. Аникин ва бошқа ўртоқларнинг докладлари тингланди.

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари И. А. Савельева, Тошкент медицина педкатрия институтининг ректори А. С. Маҳмудов ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Конференция қатнашчилари шаҳардаги болалар касалхонаси, сут кухняси, туғруқхона, стоматологик поликлиника ва бошқа шифобахш даргоҳларни бориб кўрдилар.

Ж. НОВОСОРТОВА,
область санитария маорифи уйининг методисти.

БАХТИ КУЛГАН АЁЛ

Ям-яшил довдарахтларга, кўркам қишлоқ жамолига суқлан назар ташлаб бораётган Нишонгул опа мактабда бугун бўладиган байрам йиғилиши ҳақида ўйларди. Меҳнат илғорлари қаторида уни ҳам мактабга таклиф этишди. Кўп йиллик меҳнатингиз ҳақида, ҳукуматимизнинг юксак мукофоти Ленин орденига сазовор бўлганлигингиз ҳақида сўзлаб берасиз деб илтимос қилишди ундан...

Унинг қизалоқлик йиллари, балоғат даври, ҳуллас шу кеча-кундузгача бутун умри далада ўтмоқда. Тонг саҳар ширин уйқусини бузиб пахтазор қўйинга шошувчи Нишонгул кечгача 250—300 килограммдан пахта терарди. Ана ўшанда уни «Нишонгул ударник» деб аташарди. У саховатли она ерни севади, ардоқлайди. Ер меҳри, эл меҳри уни ҳаёт пиллапояларига кўтарди, халққа танитди. Кўксидаги қўша-қўша орден ва медаллар унинг пешона тер тўкиб қилган меҳнатига берилган юксак мукофот ифодасидир.

Унинг ҳаёт йиллари, босиб ўтган сўқмоқлари ҳалжонли дақиқалар, сафарларга ёр кунлар қувончларга тўлиқ одики, буларни Нишонгул опа ҳудди кечагидек эслайди. Хўжалигда (зеро кўпчиликка эриш туюлган бўлсада) биринчи аёл бригадир бўлиши, «мана-ман» деган эркакларга ёшгина жувоннинг бошчилиги, албатта, осон бўлмади.

— Бу воқеа 1953 йилда бўлган эди. Шароит оғир. Ниҳоятда кам ҳосил 80 гектар ерни унумдор пахта майдонига айлантириш учун не-не машаққатлар чекилмади,—деб эслайди Нишонгул опа,— техника йўқ эди. Кетмон. Қўл кучи. Колхоз бўйича суғарганимиз ёлғиз трактор. Битта трактор ўртада талаш. Бригадамизга 2 та ҳўкиз ажратилган эди. 20 чоғлик одам ишларди.

Бир куни нимадир бўлди-ю, ҳўкиз арава банд бўлиб қолади, ним ташишнинг иложи бўлмайди. Шунда бригадир аъзоларини тўплаб қандай қилиб бўлса ҳам чимни пайкалга элтиш кераклигини айтади. Табиий, бу кўпчиликка ёқмайди. Жаҳл билан бригадирнинг ўзи ишга киришиб кетади. Шу воқеанинг устига келиб қолган раис даъфатан бу-

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

нинг сабабини англаб етмайди. Воқеага тушунгач Нишонгулни тўхтатмоқчи бўлади.

— Нима қиласан, қўй, деяпман сенга,— бақирди раис. Нишонгул этакка тўлдириб солинган чимни орқалаганича илдам кетаверди. Унинг иродасига танг қолган раис Раимжон ака тўнларини тескари кийиб олиб бригада аъзоларига ўшқирди:

— Сенлар нега қараб турибсанлар! У ким учун ишлаяпти, ахир!

Шундай, Нишонгул опа бригадирман, деб ўтирмасди. Ғўзани чопиқ қиларди, этак тутиб пахта терарди. Қисқаси, ўз меҳнати билан шахсий намуна кўрсатарди. У дўқ—дашном билан эмас, меҳр калити билан аъзолари юрагига йўл топди.

Ҳосилдорлик беш йил давомида гектар бошига 39 центнерга чиқди. Ўша шароитда бундай ҳосил рекорд кўрсаткич эди. Бунинг эвазига Нишонгул опа Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Йиллар ортда қолди. Нишонгул опа пахтачилик билан бир қаторда пиллачилик касбини ҳам ардоқлаб келмоқда. Бу касб унга она мерос.

— Ойим ипак қурти боқишни қанда қилмасдилар. Етти хазинанинг бири дердилар. Саккиз-тўққиз ёшлигимдаёқ уларга қарашардим. Мана, 30 йил бўлаёзди, пилла қурти боқаман.

Нишонгул Бўрибекова коммунистга хос сабот ва эътиқод билан партия қандай ишни унга лозим топса, у бу ишни дуридириб бажариб келмоқда. 1960 йилдан бўён колхоз марказий болажар боғчасининг мудираси. У бу вазифани ҳам сидқидилдан бажармоқда. Шунингдек, ҳар йили илк баҳордан пилла қурти парваришига киришади, мунтазам юқори ҳосил олади. Пилладан ташқари эришган муваффақиятлари учун 1971 йили Ҳурмат Белгиси ордени билан тақдирланди.

Нишонгул опа меҳнатдан обру-иззат топди. СССР Олий Совети Президиумининг 1976 йил 25 декабрь Фармонига мувофиқ Ленин ордени билан тақдирланди. Яқинда биз опанинг хонадонида бўлдик. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, дейдилар. Обод хонадон. Тўкин-сочин дастурхон. Хоналар замонавий мебель, буюмлар билан жиҳозланган.

— Ўтмишда аёл зотининг ҳақ-ҳуқуқи қандай топталганини биламиз. Ким эди-гу, мана ким бўлдик. Ҳозир аёл ишни иштирок этмаган бирор бир соҳа, иш йўқ. Хотин-қиз раҳбарлар қанчақанча! Партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган ғамхўрликчи? Ўтмишда остона хатлаб кўчага чиқмаган ўзбек аёли бугуни кунда бутун жаҳонни айланиб келишга қодир. Мана, ўзим 1973 йили Германия Демократик Республикасига туристик саёҳатга бориб келдим. Бепоён мамлакатимизнинг жуда кўп тарихий шаҳарларида бўлдим. Биз бахтли, саодатли аёлларомиз. Бундай саодатли ҳаётни бизга Ленин партияси, Улуғ Октябрь берди...

Биз файзли хонадон соҳибаси билан хушлашиб ўринимиздан турдик. Опа бизга пилла қурти боқишга мўлжаллаб солинган алоҳида катта хоналарни кўрсатди. Меҳнаткаш бу аёлнинг тадбиркорлиги, саранжом-саришталигига ич-ичимиздан тасанно айтдик...

Аёл лабларида табассум. Бу унинг бахтиёрлигидан, саодатлигидан. Бу унинг фидокорона меҳнати туфайли эришаётган улкан муваффақиятларидан, зафарларидан.

Ҳабиба ШЕРОВА,
Чиноз райони, «Қизил Октябрь» колхози.

КИТОБСЕВАРЛАР —ЮБИЛЕЙГА


Китобсеварлар кўнгилли жамияти Тошкент область бўлими президиумининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган «Ленин ва китоб» деган тема бўйича китобсеварларнинг ўқишини ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.

Бутуниттифоқ китобсеварлар жамияти марказий правленеси президиумининг қарорига мувофиқ ленинча ўқишлар шу йил ноябрь ойигача давом этади. Бу ўқишларни кўнгилли жамиятнинг район ва шаҳар бўлимлари ҳамда йирик бошлангич ташкилотлари ўтказадилар. Жамоат арбоблари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг, кутубхоналар, музейларининг ходимлари, олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари, журналистлар, ёзувчи ва адабиётшунослар лекциялар ўқийдилар.

«Ленин ва китоб» ўқишларини ўтказиш тахминий тематикаси тасдиқланди.

Китобсеварлар кўнгилли жамияти президиумининг йиғилишида шунингдек, Бўка район китобсеварлар жамиятининг қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида қишлоқ хўжалик адабиётларини пропаганда қилиш соҳасидаги фаолияти муҳокама қилинди.

Йиғилишда область партия комитетининг сектор мудири С. Саидвалиев қатнашди.



ТОШКЕНТДАГИ ёг-мой комбинатида маргарин ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун бир қатор янги участкалар ташкил қилиниди. **Корхона коллективи шу йилнинг ўзида маргарин тайёрлашни ўтган йилга нисбатан 2,6 марта кўпайтиришга қарор қилди. Шу кунларда бу вазифани амалга ошириш учун бир қатор амалий тадбирлар кўрилмоқда. Суратда: маргарин цехининг янги участкаси.**

М. Нуриддинов фотоси.

САБЗАВОТ КЎПАЯДИ

Деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришни кўпайтириш соҳасида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Биз КПСС Марказий Комитетининг Мактубига жавобан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига оширилган мажбурият олди.

Пландаги 4200 ўрнига 6000 тонна маҳсулот сотишга аҳд қилинди. Ҳосилдорликни гектар бошига 300 центнерданга етказамиз. Бунга тупроқнинг унумдорлигини ошириш, бир ердан икки марта ҳосил олиш йўли билан эришамиз. Плёнкалар остида ўстирилган карам ҳосили йиғиштириб олиниши билан ўрнига сабзи, редиска ўрнига эса кечки карам экилади. Бунинг эвазига камида 500 тонна маҳсулот олинади.

Эртанги экинларининг ривожи яхши. Агротехника талабларига мувофиқ иш юритилиши туфайли кўчатларнинг кўпи сақлаб қолинди. Ҳар гектар карамзорда 57 минг ўрнига 60 минг кўчат етказилмоқда. Карталар яхлитлаштирилди. Бир картага турли ҳилдаги экинларни экишдан воз кечдик. Бу эса, сабзавотчиликда техникадан унумли ва тўла фойдаланиш имконини берди. Аввалларги ўсимлик шохлаб, гулга киришга қадар қатор оралари бир-икки марта культивация қилинарди. Энди асосий меҳнат тракторлар зиммасига юклатилди. Деярли барча ишловда техникадан фойдаланилмоқда. Маҳмуд Астаев, Турғун Кумушбаев, Орзимат Атхамов сингари механизаторларимиз кунига 5—6 гектар ердаги карам, помидорни культивациядан чиқармоқдалар. Бу иш сифатли бажарилаётганлиги учун ҳам бегона ўт йўқ. Ўсимлик беғубор ўсмоқда.

Эшмат Тошпўлатов бошлиқ бригада коллективининг иши ибратлидир. Улар мутахассис ва тажрибали деҳқонларнинг маслаҳатига амал қилган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Бригада минерал ва маҳаллий ўғитдан фойдаланиш, айниқса, яхши йўлга қўйилган. Ҳар гектар ерга ҳозиргача 15—20 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Бу, албатта, чегара эмас. Шарбат суви бериш ҳам кенг йўлга қўйилган. Бригада аъзолари 40 гектар ердан пландаги 960 ўрнига 1200 тонна маҳсулот етиштиришга бел боғлашди. Икки гектар ерга экилган редискадан 25 ўрнига 50 тонна ҳосил топширилиб, план икки баравар қилиб адо этилди. Ҳар гектар ердан 40 тоннадан карам олинади. Бошқача қилиб айтганда бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир колхозчи ҳисобига 60 тоннадан маҳсулот етиштирилади.

Зикрилла Юнусов, Собир Розиқов, Турсунбой Султонов бошлиқ бригадаларда ҳам деҳқончилик маданияти юксалиб бормоқда. Экинларни сифатли парваришлаш қилиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш кўзда тутилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия, совет органларининг диққат эътибори сув сарфи соҳасида қаттиқ интизомга риоя қилиниш юзасидан, сув таъминотини ошириш билан боғлиқ бўлган объектларлари ишларни бажариш юзасидан кенг кўламда тушунтириш ишлари ўтказиш зарурлигига қаратилди. Сўзсиз, бу қарор сабзавоткорларга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Биз сувнинг бекор ётишига йўл қўймаймиз. Сизот сувлари яқин бўлган карталарда экинни захлатиб суғорилишига чек қўямиз. Шу мақсадда энг тажрибали кишилар сувчиликка қўйилди. Уларнинг иши икки сменада ташкил қилинган.

Бизда ишга солинмаган резервлар кўп. Биз бу резервлардан унумли фойдаланиб, ўтган йилга нисбатан анча кўп сабзавот етказиб берамиз. Ҳар гектар ердан пландаги 30 ўрнига 50 тоннадан помидори, 25 ўрнига 40 тоннадан карам топшириб, бурчимизни шараф билан бажарамиз. Бу — бизнинг Улуғ Октябрь байрамига меҳнат рапортимиз бўлади.

Ҳ. АБДУЛЛАЕВ,
Калинин районидаги Куйбишев номли колхознинг бош агрономи.

СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ

Кенг истеъмол буюмлари тайёрлашни кўпайтириш, уларнинг ассортиментини ошириш ҳамда сифатли бўлишини таъминлаш бугунги кундаги муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Тошкентдаги «Электробитприбор» заводи коллективи бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорига амалий иш билан жавоб бераётган корхона меҳнатмашлари аҳоли дидига мос бўлган буюмлар ишлаб чиқариш суръатини кун сайин оширмоқдалар.

Йил бошидан бери 700 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Биринчи квартал плани анча барвақт, знёдаси билан адо этилди. Пландан ташқари 25 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Апрель ойи топшириғи ҳам муваффақиятли адо этилди.


— Кейинги йилларда заводимизда тайёрланаётган қандилларга бўлган талаб ошди,— дейди биз билан суҳбатда завод директори П. Мирзаев.— Бежирим қандиллар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш айни пайтда асосий вазифамиз бўлиб турибди. Яқин кунларда «083-Уз», «074-Уз» ҳамда «075-Уз» марали осма ва девор қандилларини давлат Сифат белгисига аттестация қилишни мўлжаллаганмиз. Бундан ташқари, коллективимизда қимматбаҳо материалларни тежаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Кўпчилик қандиллар айни пайтда ишлашдан эмас, балки полистроллан тайёрланяпти. Шуни айтиш мумкинки, улар ишлашдан ясалган қандиллардан сира қолишмайди.

Корхона меҳнаткашлари ҳар куни республикамиз ҳамда иттифоқимизнинг турли савдо шохобчаларига 24 хилдаги кўплаб маҳсулотларини жўнатиб турибдилар. Ҳар куни магазин пештахталаридан заводнинг янги 10 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари жой олмоқда.

Бу ишларни бажаришда завод пошқадамлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Заводнинг Матлуба Мирзаева, Мастура Ғозиева, Николай Сергеев, Анатолий Александров, Асом Соҳиев, Рая Петришева сингари ишчилари «ўн тўртлар ташаббуси»га қўшилиб беш йилликни 3,5—4 йилда бажаришга қатъий бел боғлаганлар. Ташаббускорлар ўз ваъдаларини устидан чиқиш учун суръатга-суръат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Яқинда заводда кўзойнак ва мебеллар учун тутқичлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу эса завод коллективи кенг истеъмол буюмлари ассортиментини кўпайтириш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажараётганликларидан далолат беради.

И. РУСТАМОВ.



▲ ТЎЛҚИН Муҳиддинов Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг ем-хашак тайёрлаш бригадасига бошчилик қилади. Қизғин пайти. Бригада аъзолари бу йил чорва яшилови учун 5 минг тонна турли хил озуқа жамғариш мажбуриятини олишган. Ҳозир бригадада ем-хашак тайёрлашнинг авжи механизатори Аъзам Примқулов. Ўнгда бригада далаларида беда ҳосилини ўриш ва йиғиш-тириб олиш пайти.

Суратларда (чапдан) бригаданинг илғор жамоаси.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ҒЎЗАНИ МАШИНАЛАР СУҒОРАДИ

СОЛДАТСКИЙ. (ЎзТАГ). «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ғўза биринчи ҳосил сувини ичиб бўлди. Бу ерда секундига 165 литр сув берадиган «ППА-165» маркали кўчма агрегатлардан экинзорларда биринчи марта кенг фойдаланилмоқда.

Кўчма суғориш агрегати билан ғўзани суғоришда меҳнат унумдорлиги юқори бўлмоқда. Бир киши сменада бир ярим-икки гектар ердаги ғўзани суғора олади. Бу қўлда суғоришга нисбатан 3—4 баравар ортиқ, бир гектар майдондаги ғўзани суғориш қиммати эса оддий усулдагига нисбатан икки баравар арзон. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ҳозир кўчма агрегатларнинг ёрдами билан 500 гектар майдондаги экин суғорилмоқда.

Район хўжаликларида 18 та кўчма суғориш агрегатлари ишлаб турибди, келгусида уларнинг сони кўпайтирилади. Қуйи Чирчиқ районининг деҳқонлари 1980 йилда 8 минг гектар майдондаги ғўзани — ҳозиргига нисбатан тўрт баравар ортиқ ердаги экинни ана шундай механизмлар ёрдамида суғоришни мўлжаллаб турибдилар.

МЕҲНАТ — ТАРБИЯЧИ

Совет турмуш тарзининг тараққиёти, социализмнинг ҳозирги босқичида демократиянинг ривожланиши, меҳнаткашлар маданияти ва онгининг ўсиши совет қонунчилигини такомиллаштириш, мавжуд юридик нормаларни мамлакатда рўй бераётган иқтисодий ва социал ўзгаришларга мувофиқлаштириш зарурлигини тақозо этди.

СССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва ўз навбатида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми мавжуд қонунчиликка ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Фармонлар қабул қилдилар. Бу Фармонлар 1 апрелдан бошлаб кучга кирди. Ўзгаришлар ва қўшимчалардан асосий мақсад шуки, жиноий жазолар белгилашга бирмунча юмшоқроқ, жамиятга кўпроқ фойда тегадиган тарзда ёндошилди. Бунда, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари доирасини кенгайтириш кўзда тутилди. Эндиликда судланганларни халқ хўжалигининг қурилишлари, корхоналарига ишга юборишга кўпроқ ташкил этилади. Албатта, ҳавфли жиноятчиларга нисбатан курашнинг энг қаттиқ жазо тадбирларини қўллаш давом этаверади.

Шартли равишда судланганлар ва шартли равишда озод қилинганлар ҳозирги пайтда жазони ўташ системасида анчагина ўринга эга. Бундайларни жамоатчиликдан ажратилмаган ҳолда меҳнат жараёнида тузатиш тажрибаси юксак тарбиявий самара бераётганлигини ҳаёт ёрқин кўрсатди.

Албатта, шартли судланганлар ва шартли равишда озод этилганларни мажбурий ҳолда меҳнатга жалб этиш орқали тузатиш ва қайта тарбиялаш, судланувчида ижтимоий-фойдали кўникмаларни шакллантириш жараёни мураккаб босқичларни ташкил этади. Судланганлар ҳамда шартли озод этилганларни қайта тарбиялашдаги ўзгачалик шундан иборатки, бу жараёнлар ҳар қачонгидек оддий меҳнат коллективларида жамоатчиликдан ажратилмаган ҳолда олиб борилади.

Бу хусусиятлар мамлакатимизда яратилган катта имтиёзлардан дарак беради. Шу билан биргаликда шартли судланганлар ҳамда шартли озод этилганлар орасида меҳнатни уюштиришни яхши йўлга қўйишни, улар учун ишлаб чиқариш ўқувларини ташкил этиш, турар-жой шароитини яхшилаш, энг муҳими тарбиявий ишларни йўлга қўйишни янада яхшилашни тақозо этади.

Бундайлар орасида тарбиявий ишларни уюштириш — маъмурият, жамоатчилик ва ички ишлар органларининг умумий вазифасидир. Бу иш худди ишлаб чиқаришдаги каби шартли судланганлар ва шартли равишда озод этилганларнинг турар-жойларида ҳам актив олиб борилиши лозим.

Бунинг учун бизда кучлар етарли. Мастерлар, прорабларлар, тарбиячилар, судланганлар орасидан чиққан активларнинг ташкилотлари ана шу борада кўп ишлар қилишлари мумкин. Маъмурият, қурилишларнинг жамоат ташкилотлари, шунингдек, ички ишлар органлари меҳнат ва тарбия жараёнларини бир ёқадан бош чиқариб ташкил этган жойларда иш яхши самара бераётганлигини тажриба яққол кўрсатди. Корхоналар ва қурилишлар ташкилотлари коллективларида ишчи кадрларни тарбиялаш методлари бўйича катта тажрибага эгадирлар. Лекин улар тартиббузарлар билан ишлашда етарли тажрибага эга эмаслар. Аммо, бирга-ликда олиб борилган фаолият тарбиявий ишлар қўламини кенгайтиради, таъсирчанлигини оширади.

Кўпгина корхоналар ва қурилишларнинг раҳбарлари ишга келганларни қулай ётоқхоналар билан таъминлаб, энг зарур шароитларни яратиб бердилар. Қатор корхоналарда партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари вакилларидан иборат махсус штаблар тузилган. Улар ишчиларнинг турар-жой билан таъминланиши, меҳнатининг ташкил этилиши масалаларини муntазам анализ қилиб борадилар.

ИНСОН ВА ҚОНУН

Тажриба, шартли равишда судланганлар ва шартли равишда озод этилганлар қурилишга келган дастлабки кунларни анча оғир ўзлаштираётганликларини кўрсатди. Худди ана шу кунлардан бошлаб уларни қайта тарбиялаш билан шуғулланиш керак. Чунки, айрим шартли равишда судланганлар ва озод этилганлар ҳудди ана шу пайтларда яна тартиб бузиш ҳолларига йўл қўймоқдалар. Бу эса бошқаларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қатор корхоналарда, ишга келганларни умумий йиғилишда қабул қилиш ташкил этилган. Йиғилишларда корхоналарнинг раҳбарлари, шунингдек, ички ишлар бўлимларининг вакиллари иштирок этмоқдалар. Улар корхонанинг тарихи, меҳнат ва турмуш шароити тўғрисида ҳикоя қилмоқдалар. Мавжуд қийинчиликлар ҳақида рўй-рост гапириб бермоқдалар. Кўплаб саволларга жавоб бераётирлар.

Шартли равишда озод этилганлар ва шартли равишда судланганларни қайта тарбиялашдаги энг муҳим восита уларни мутлақо соғлом ишчи коллективлари билан яқинлашувини таъминлашдир. Улар коллектив билан бирга нафас олишларини ҳис этган тақдирларидагина турмушнинг яхши томонига очиқ юз билан қарайдилар. Бундай коллективнинг таъсири остида жамиятга энд дунёқарашлар ва удумлар ёки мойилликлар кўлами кескин қисқаради.

Бунинг учун шартли равишда озод этилганлар ишлаб чиқариш бригадаларига 7—8 кишидан ажратиб оерилади ҳамда меҳнат коллективининг доимий назорати остига олинади. Бу билан дарҳол меҳнатда бирлик кайфияти вужудга келади.

Тартиббузарлар меҳнатидан фойдаланаётган барча корхоналарда маъмурият уларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашга ҳаракат қилмоқда. Мутахассислиги бўлмаганлар эса шу корхонада ўқиб малакаларини оширмоқдалар.

Меҳнатда эришган юксак кўрсаткичлари, яхши одоблари учун қатор корхоналарда шартли равишда озод этилганларга шинам турар-жойлар берилаётир. Бу уйларда улар ўз оилалари билан яшамоқдалар. 1975—1977 йилларда 100 га яқин оила шундай квартираларга эга бўлди ва доимий равишда ишда қолди.

Шартли равишда судланганлар ва шартли равишда озод этилганлар ўзларининг кўп вақтларини ётоқхонада ўтказадилар. Шунинг учун ҳам маъмурият, партия, комсомол ва касаба союз комитетлари, ички органларининг ходимлари уларнинг яшаш жойларида тарбиявий ишларга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар.

Ётоқхоналарда хўжалик ҳамда мамлакат экономикасига оид, партия ва ҳукуматимизнинг ички, ташқи сиёсатига, халқаро сиёсатга боғлиқ бўлган масалалар бўйича лекциялар ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Ҳуқуқбилимларини пропаганда қилишга алоҳида ўрин берилаётир. Бевосита ётоқхоналарнинг ўзида кўчма суд сессиялари ташкил этилиб, муддатидан илгари шартли равишда озод этишга оид ишлар кўрилмоқда.

Барча ётоқхоналарда шартли равишда судланганлар ва шартли равишда озод этилганлар активи ичидан ётоқхона советлари, ўртоқлик судлари, жамоат тартибини сақлаш бўйича фаол группалар, деворий газеталарнинг редколлегиялари ташкил этилган.

Шундай қилиб, комплекс тарбиявий тадбирларнинг жорий этилиши, нормал даражадаги турар-жой шароитларининг яратилиши, шартли равишда судланганлар ва шартли равишда озод этилганларни ҳалол меҳнат йўлига чиқиб олишларига ёрдам бераётир.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам ана шундайлар учун етарли шароит яратилган деб бўлмайди. Бу эса уларни қайта тарбиялашга тўсқинлик қилмоқда.

Корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари ана шундай кишилар меҳнатидан самарали фойдаланиш, улар учун қулай шароитлар яратиш, тарбиявий ишларни кучайтириш, социалистик мусобақани авж олдириш, устозлик ва оталикка олиш традицияларини йўлга қўйишда алоҳида масъулдирлар. Ана шундагина биз совет қонунчилигининг гуманистик кучини яна бир бор намоён қилган бўламиз.

Г. ЗОКИРОВ,
Тошкент область ижрония комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

Африка... Бу қитъа халқлари бутун жаҳон цивилизацияси тарихида катта ва муҳим роль ўйнаганлар. Ҳозирги вақтда Африканинг жаҳон экономикаси, маданияти ривожидаги аҳамияти тобора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда.

Асрлар давомида қуллик ва мустамлака зулми остида эзилиб келган Африка халқлари асримиз бошларида ва айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўз миллий мустақилликлари учун курашни авж олдириб, бу борада улкан муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ҳозирги вақтга келиб Африка қитъасидаги 48 мамлакат мустақиллик ва тараққиёт йўлидан ривожланиб бормоқда. Улар Африка Бирлиги Ташкилотининг аъзолари бўлиб, шу ташкилотнинг тузилган куни 25 май Африка куни сифатида нишонланмоқда. Ана шу куни дунёдаги барча тараққийпарвар кишилар Африка халқларининг миллий мустақиллик йўлидаги курашлари билан ўз бирдамликларини яна бир карра изҳор қиладилар, ҳанузгача мустамлакачилик кишанлари остида эзилаётган Жанубий Африка республикаси, Зимбабве, Намибия каби мамлакатлар халқларининг озодлик йўлидаги курашларига ҳайрихоҳлик билдирадилар.

Совет давлати ўзи ташкил бўлган дастлабки даврдан бошлаб Африка қитъасидаги барча эзилган халқларнинг адолатли курашини қўллаб-қувватлаб келди. Буюк Африка ватанпарвари Амилкар Кабрал айтганидек, Улуғ Октябрь революцияси миллионлаб эзилган кишиларга революцион курраш йўлини кўрсатиб берди, бутун дунёда миллий озодлик ҳаракатининг муваффақиятли тарзда ривожланишига кўмаклашди. Советлар мамлакатининг жуда катта маънавий-сиёсий таъсири ва мадади билан урушдан кейинги йилларда Гана, Марокаш, Тунис Сомали, Конго, Жазоир каби мамлакатлар миллий озодликка эришиб, мустақил тараққиёт сари қадам қўйдилар. 1956 йили Мисрга қарши қилинган уч томондама агрессия даврида эса Совет Иттифоқи бу мамлакат халқининг томонида туриб ҳар тарафлама ёрдам кўрсатди.

1960 йилда СССР Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мустамлакачилик ва ирқчиликни тўла йўқотиш программасини тақдим қилиб, зўр тарихий ташаббус кўрсатди.

60-йилларда Африка қитъасидаги мустамлакачилик қўрғонлари бирин-кетин қулай бошлади. Қатор мамлакатлар сиёсий мустақилликни қўлга киритиб, иқтисодий мустақилликка ҳам эга бўлиш учун ҳаракат қила бошладилар. Ангола, Мозамбик, Сомали ҳам мустақилликка эришиб, эндиликда социалистик тараққиёт йўлини танладилар.

Ҳозирги вақтда Африка қитъасида 400 миллионга яқин аҳоли яшаб турибди. Қитъанинг жуда кўп мамлакатларида қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг сони тобора камайиб аксинча ишчилар синфининг сафлари кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозир Африка ишчиларининг сони 15 миллион атрофидадир. Ана шу ишчилар синфининг кучгайрати билан социалистик тараққиёт йўлини танлаган Африка мамлакатларида жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, йирик давлат фермалари, корхоналар қурилмоқда, майда деҳқон хўжаликлари кооперациялашмоқда. Бу-ларнинг ҳаммаси ана шу мамлакатларда социалистик ўзгаришларни амалга ошириш учун мустаҳкам база бўлиб хизмат қилади.

25 МАЙ — АФРИКА КУНИ

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ёш ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари, миллий экономикани ривожлантиришлари учун ҳар томонлама иқтисодий, техникавий ва маданий ёрдам бериб келмоқда. Қитъада уларнинг маданий билан маҳаллий ҳомашё асосида ишлайдиган ўнлаб корхоналар, миллий кадрларни тайёрлайдиган билим юртлари, шунингдек, кўплаб мактаблар, шифохоналар, тажриба станциялари ишлаб турибди.

Совет Иттифоқи Африка халқларининг туб миллий манфаатларини халқаро майдонда ҳам кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда, у қитъанинг миллий-озодлик ҳаракатларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда. Сомали, Ангола, Мозамбик каби мамлакатлар билан алоқаларимиз эса Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битимлар асосида ривожланмоқда.

Ҳозирги вақтда Африка қитъасида мустамлака империяларини тугатиш учун курраш асосан тугалланди. Эндиликда Африка халқлари олдида тараққиёт йўлини танлаш, иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курраш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш каби янги, жуда мураккаб масалалар кўндаланг бўлиб турибди. Империализмнинг Африка халқларига қарши қаратилган ёвуз сиёсати авж олдирилаётганлигига қарамай, тобора кўпроқ Африка мамлакатлари социалистик йўлни танлаб олмоқдалар. Капиталистик йўлдан бораётган мамлакатлар ҳам бор. Жанубий Африка республикаси, Зимбабве, Намибияда ҳамон мустамлака ва ирқчилик қолдиқлари сақланиб қолмоқда.

Африка халқлари империалистик давлатларнинг талон-тарож қилиш сиёсатига қарши курашиб, озодлик ва тараққиёт йўлидан боришга қатъий аҳд қилганлар. Совет Иттифоқи ва бошқа социализм мамлакатлари халқлари уларнинг бу йўлдаги курашига ҳамиша хайрихоҳдирлар.

И. СУЛТОНОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

▲ ГАВАНА. Куба пойтахти яқинидаги катта «Аригуанабо» тўқимачилик фабрикасида янги бир цех очилди. Корхона Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан кенгайтирилмоқда ва машина ускуналари модернизация қилинмоқда. Янги цехда ўрнатилган ва «СССР-да ясалган» деган марка қўйилган олти юзта станок маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

* * *

▲ ЛИМА. Перунинг шимолида «Норперуано» нефть қувурини ётқизиш охирлаб қолди. Қувур Перу чангалзорларида очилган конни Тинч океан соҳилидаги саноат порт зонаси билан боғлайди. Нефть қувурининг жами узунлиги 900 километрга боради. Ҳозир қурувчилар қувурларнинг сўнгги километрларини ётқизмоқдалар.

* * *

▲ ЛУАНДА. Яна ўнта хусусий корхона Ангола ҳукуматининг назоратига ўтказилди. Ангола мустақилликка эришгач, шу корхоналарнинг мустамлака давридаги эгалари уларни ташлаб қочган эдилар.

Давлат назоратига ўтган корхоналар орасида Лобитудаги кончилик компанияси, марганец, мис, олмос қазиб чиқарувчи компаниялар, шунингдек минерал сув тарқатувчи корхона бор.

(ТАСС, 23 май).







▲ АНГОЛА Халқ Республикаси ишончи билан янги ҳаёт қурмоқда. Суратларда: (ўнгдан) мамлакат пойтахти Луанда атрофидаги манзара; пойтахтнинг марказий кўчаси; эмлаш пунктларидан бирида.

ТАСС фотохроникаси.

СИЁСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ ЧОП ЭТДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти «Европа коммунистик ва ишчи партиялари конференцияси. Берлин, 1976 йил 29—30 июнь» китобини босиб чиқарди. Унда КПСС делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев, бошқа коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларининг раҳбарлари конференцияда сўзлаган нутқлари берилган.

Тўпламга коммунистлар Европа анжуманининг очилиши ва ёпилиши тўғрисидаги ахборот, конференциянинг «Европада тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт учун» деган якунловчи ҳужжати, бошқа материаллар киритилган.

(ТАСС).

НОУЛЗНИНГ ЕНГИЛ ҚЎЛИ

НЬЮ-ЙОРК, 23 май. (ТАСС). Эверет Ноулз юк машинасининг шофёри бўлиб ишлайди, ундан ҳар бири 16 килограммлик яшикларни туширади, бўш вақтларида теннис ва баскетбол ўйнайди. У энди бундан роппа-роса 15 йил аввал бўлиб ўтган воқеани камдан-кам эслайди. Ўша кеч 12 яшар бола Эверет темирйўл вагонининг дераза-сидан ўнг кўлини чиқарса бўладими! Шунда қўли электр устунига тегиб, шу заҳоти едкасидан ажралиб тушганди. Орадан бир ярим соат ўтгач, уни Массачусетс касалхонасига келтиришди. Докторлар қўлнинг қон томирларини тикишди. Суякларини ўрнаштиришди ва узилган нервларини боғлашди. Шундай қилиб, ўшанда шу хилдаги илк операциялардан бири ўтказилганди. Шундан бери турли мамлакатларда 600 дан ошиқ шу хилдаги операциялар ўтказилди.

«Аввал бошда қўл битиб кетмас деб чўчигандим,— дейди Ноулз.— Энди бўлса аввалгидек ўзимники бўлиб кетди. Нимани хоҳласам шуни қиляпти».

ЯНА АЙБЛОВЛАР

ҚОҲИРА, 23 май. (ТАСС). Миср Республикасининг бош прокурори тез орада мисрлик 450 киши «коммунистик ташкилотларга мансублиги ва ҳукуматга қарши ҳаракатларга гиж-гижлаганлиги учун» деган айб қўйилиб, судга берилади, деди. Улар шу йилнинг январида, бутун Мисрда стихияли ва кучли халқ ғалаёнлари бўлиб ўтганида қамоққа олингандилар. Ғалаён қатнашчилари ҳукуматнинг меҳнаткашлар турмуш шароитларини гоятда ёмонлашувига сабаб бўлган сиёсатига қарши норози бўлиб чиққан эдилар. Мамлакатдаги мавжуд қонунларга биноан айбланган кишилар умрбод қаторга ва қатл этилишга қадар гоят қаттиқ жазоланишлари мумкин. Ишчилар, деҳқонлар, студентлар, тараққийпарвар зиёлиларнинг вакиллари суд қилинадилар.

Маълумки, буидан аввал бош прокуратура январь воқеаларида қатнашган неча юзлаб бошқа кишиларнинг номларини эълон қилганди. Уларга «қўпорувчилик фаолиятида бўлганлар ҳамда хусусий мулк ва жамоат мулкига зарар етказганлар» деган айблар қўйилганди. Шуларнинг суди 1 июнда бошланади.

Полиция ва хавфсизлик органлари январь ғалаёнлари тўғрисидаги иш юзасидан жами 1.300 кишини қамоққа олган.

ТЕАТР ЭРТАКЛАРИ

МУҚИМИЙ номли ўзбек давлат мусиқали театри афишасида Е. Шварцнинг «Оддий муъжиза» эртаги пайдо бўлди. Спектаклни Тошкент театр — рассомчилик институтининг ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист В. Иогельсен саҳнага қўйди.

В. Иогельсен Е. Шварц драматургиясига илгари ҳам мурожаат қилган эди. У Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида драматургнинг «Қор маликаси» деган пьесаси асосида болалар спектаклини яратганди. Бу спектакль яқинда Ҳамза номли театр коллективининг Москвадаги гастролларида намойиш қилинди.


—Мен умр бўйи таниқли эртакчи ижодига меҳр-муҳаббат билан қараб келаман. Шварц Ленинградда энди фаолиятини бошлаганда мен у билан учрашган эдим, — дейди Б. Иогельсен. — Е. Шварц пьесаларидаги бир-бирига ёрдам бериш, меҳрибонлик, меҳри-муҳаббат кўрсатиш, олижаноблик каби оддий муъжизалар кишиларни яхши фазилатли қилишда, уларнинг ҳаётини ўзгартиришда муҳим роль ўйнайди, китобхон ва томошабинни тўлқинлантиради.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА

Собир Раҳимов номли колхоз территориясида район марказий поликлиникаси ишга тушди. 17 кабинетдан иборат бўлган ва замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифохонани ишга туширилишидан қишлоқ меҳнаткашлари жуда мамнун бўлдилар. Поликлиника очилишида сўзлаган Карл Маркс номли қишлоқ Совети раиси Воҳид Азизов партия ва ҳукуматимиз инсон саломатлиги йўлида беқиёс ғамхўрлик қилиб келаётганлигини такидлаб Тошкент район марказий поликлиникасининг ишга туширилиши ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эканлигини айтди.

П. НИШОНОВ.



СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) 1. Физногинеколог Е. А. Охорзина ва медицина ҳамшираси Т. С. Чекуровалар беморни рентген текширувидан ўтказишмоқда. 2. Бўлим мудири А. А. Агеева (чапдан), А. А. Абдумўминов, К. В. Васнецова ва бўлим раҳбари М. А. Кривцова ўртоқлар. 3. Операция пайти.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

НУР ЙЎҒРИЛГАН УМИДЛАР

СОЯ-САЛҚИН, кўркам боғ ичра қўйилган скамейкалардан бирида икки киши суҳбатлашиб ўтиришибди. Бири беморлар кийимида, иккинчиси—оқ халатда. Ўрта бўй, барвастадан келган бемор йигит чуқур ўйга толган. Ҳамроҳини у чамаси тингламаётгандай, маъюс, нигоҳи гулзор оралаб ҳуснталашаётган ранго-ранг чечаклар баргига илиниб қолгандай.

Қизиқ, шу топда унинг ҳаёлидан не кечди экан? Балки врачнинг ишончли далдалари-ю, кўнгил кўтаришларидан умидларига нур йўғрилдими?! Ёхуд жонажон қишлоғи Хонободни, бу кун яшиллик оғушига чўмган ҳовли-жойини соғингандир. Ҳа, у жуда зеракки. Узоқ вақт хаста ётишнинг ўзи бўлмайди, ахир. Ҳозир соғ-саломат бўлганида борми, қадоқ босган забардаст қўлларини ишга солган, жўяклар олиб, экин эккан, пушталарни безаган нозик ниҳолларни меҳрла ардоқлаган бўларди.

Афсус, мавриди эмас. Чунки ўзи парваришга муҳтож. Оқ халатли нажоткорлар унга меҳрибонлик, инсоний илтифот кўрсатишаяпти. Илтижо кўзларига нур, дардига малҳам бахш этишяпти.

...Бемор ва шифокор суҳбати ҳамон бир маромда давом этарди.

— Зайниддин ака, энди хавотир бўлмасангиз ҳам бўлади. Дардингиз енгиллашиб қолди, соғайиб кетасиз, фақат кўп ўй сураверманг. Қувончни ўзингизга дўст тутинг ҳамиша. Бу ҳам — малҳам!

— Раҳмат, доктор! Сира кам бўлманг, — у бу сўзларни шундай бир оҳангда талаффуз этдики, унда халоскорига изҳор этмоқни бўлган бутун миннатдорчилиги жўш уриб турарди.

Ҳозир республика сил касалликлари илмий-текшириш институтининг уролория бўлимида бевосита даволанаётганларининг сони 100 дан ортади. Етти малакали врач ва бошқа тиббиёт жонкуярлари улар саломатлигига хушёрлик билан посбонлик қилишяпти. Бўлим раҳбари Мария Александровна Кривцова, катта илмий ходим, медицина фанлари кандидати Абдураззоқ Абдумавлонович Абдумўминов, кичик илмий ходимлар Клавдия Васильевна Васнецова ва Шавкат Рафиқович Раҳмоновлар ана шулар жумласидандир. Бу халоскорлар мазкур даргоҳда ўн-ўн икки йилдан бери ишлаб келишади.

Ҳа, бу муддат назаримизда оздек туюлади. Аммо, уни бу ердан ўз дардига даво топиб чиққанлар сонига қиёс айласак, шифокорлар қанчалик самарали, айни бир вақтда жуда салмоқли иш қилганликларига ишонч ҳосил қиламиз. Бўлим шифокорлари номига келган ва бетиним оқиб келаётган соғ-саноқсиз мактублар фикримизнинг далили. Уларда кишилар қалб тўрида, юрак қатида эъзозлаб келган энг қайноқ сўзлар, миннатдор туйғулар битилган. Мактублар ҳар томондан: бири — Фарғонадан, иккинчиси — Хива—Қаршидан: яна бошқаси — Жиззах, Юқори Чирчиқдан...

Бўлимда юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, ўз касбининг чинакам соҳиблари меҳнат қилишади. Унда ҳамма жараён чуқур илмий асосга қурилган. Бўлим ходимларининг катта муваффақиятлари боиси ҳам шунда. Чунки доимий илмий изланишларгина кутилган самараларни бериши мумкин. Бунда уларга энг сўнгги фан-техника ютуқлари ҳам яхши кўл келмоқда.

Ҳозир бўлимда беморлар янги методлар асосида даволанаяпти. Шулардан бири—сигмацистопластик операциядир, яъни бемор қовуғи ва қовуқ йўллари уларни кенгайтириш методи билан даволанади. Бундай операция республикамизда, ҳатто ўрта Осиёда биринчи марта қўлланилмоқда. Буйракнинг фақат зарарланган бир қисмигинига олиб ташлаш, бир неча ерида қисилган сийдик йўлларини бир йўла пластик операция қилиш, қовуқ ва сийдик йўлларини бир дақиқанинг ўзида пластик операция қилиш каби жараёнлар ҳам шифокорлар иш фаолиятидаги сўнгги янгиликлардир.

Ҳар қандай тадқиқот — тараққиёт нишонаси, дейдилар. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини барча совет кишилари қатори муносиб кутиб олишни ният қилган бўлим шифокор — олимлари янги тадқиқотлар устида самарали иш олиб бормоқдалар.

Азиз шифокорлар, хайрли ва масъулиятли ишингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШИ БОШ БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДА 158-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1977—1978 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ШАҲАР ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: қурилиш сувоқчилари (ўқиш муддати— 1 йил); дурадгор — паркетчилар (1 йил), пардозловчи-мозаикачилар (2 йил), пардозловчи плиткачилар (1 йил), қурилиш дурадгорлари (2 йил), қурилиш бўёқчилари (1—2 йил), сувоқчилар (6 ой), дурадгорлар (6 ой).

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДАГИ МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИДАГИ ЎҚИШ ДАВРИ ИШ СТАЖИГА ҲИСОБЛАНАДИ.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар шаҳар пропискаси билан ва 3 маҳал бепул овқат, формали ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар 33 процент иш ҳақи оладилар.

ОБЛАСТЬ ВА РАЙОНЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Билим юртини имтиёзли тугатганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юборилади лар ва конкурессиз ўқишга қабул қилинадилар.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, тугилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиги ҳақида справка, характеристика, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 6 дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН СОАТ 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Октябрь райони, «Халқлар дўстлиги» проспекти, Кибрай проезди, 54-уй (13, 14, 11, 38, 48, 68, 70, 71-автобуслар, 2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «Биринчи тугруқхона», 4, 15, 18, 19-трамвайларнинг «Каршинская» бекатлари).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ГАЗ АППАРАТЛАРИ ЗАВОДИГА
слесарь-йиғувчилар, монтажчилар, штамповчилар, токарлар, қурувчилар, бухгалтер, технологлар, конструкторлар, ОТК контролерлари, товаршунос, экспедитор, диспетчерлар
КЕРАК

«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» КОРХОНАСИГА:
қозон ва турбиналарнинг машинистлари, иситиш тармоқлари, автотранспорт ва механизмлар ремонти бўйича слесарлар, газ-электр пайвандчилар, электр монтёрлар, юк ташувчилар
КЕРАК

ХИМИЯ ВА ПАХТА ЦЕЛЛЮЛОЗАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИГА
ишчи-аппаратчилар, слесарь-ремонтчилар, сантехниклар, электромонтёрлар, дурадгорлар, токарлар ғишт терувчилар, сувоқчилар, бўёқчилар, электр-газ пайвандчилар, фрезерчилар, совутиш установкаларининг машинистлари, темирчилар, гальваниклар, лаборантлар, меҳнат ва иш ҳақи ҳамда планишлаб чиқариш бўлимларининг бошлиқлари, инженер-экономистлар, ГО инженерлари
КЕРАК

«СРЕДАЗСПЕЦСТРОЙ»НИНГ 1-ИХТИСОСЛАШГАН ҚЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИГА
ПТО инженерлари лавозимидаги тоғ инженерлари, назорат бўйича участкаларнинг маркшейдерлари, участкаларнинг мастерлари ва нормаловчилари лавозимидаги тоғ техниклари
КЕРАК

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт ва район пунктлари.

УМР КЎЗГУСИ

ЯҚИНДА Ўзбекистон Давлат санъат музейида кўп миллатли совет тасвирий санъат мактабида тан олинган уста рассомлардан бири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самиг Абдуллаев ижодига бағишланган кўргазма очилиб, кенг томошабинлар диққатини ўзига тортди.

Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтида тарбия топган рассом мана қирқ йилдирки, тасвирий санъатнинг хилма-хил жанрларида мўйқалам сурмоқда. Унинг илк ижодий даврида асосий жанр табиат манзаралари тасвири эди. Ёш рассом ўзининг болалиги ўтган, илк марта расм чизиш иштиёқида тунлари бедор кечган она шаҳри Тошкент манзараларини тасвирлашга тез-тез мурожаат этиб турарди. Бинобарин рассом учун ўзи кўрган, билган манзаралардан, шаҳар кўринишларидан ҳам азизроқ нарса борми? У шунинг учун ҳам биринчи ижодий ишлари биланоқ одамлар эътиборини қозонди. Жумладан, унинг «Баҳор», «Осойишта кун», «Ҳовли», «Оқшом» сингари ранг тасвирлари ана шундай асарларидандир. Шунингдек, Самиг Абдуллаев ижодининг шаклланишида сюжетли тематик картина ва психологик портрет жанридаги асарлари ҳам катта аҳамият касб этди. Улар орасида «1919 йилдаги Тошкент комиссарлари» (С. А. Ситдиков билан ҳамкорликда ишланган) композицияси айниқса диққатга сазовордир. Бу картинада ўзбек халқининг инқилобий кураш тарихидан бир лавҳа тасвирланган бўлиб, психологик мазмун жиҳатидан анчагина чуқур очиб берилган. Асар қиммати, илгари сурилган ғояси бугунги кунда ҳам юксакдир. Шунинг учун ҳам бу асар Ўзбекистон Давлат музейининг доимий намойиш этиладиган асарлари қаторидан ўрин олган.

Самиг Абдуллаевнинг сўнгги йилларда яратган тарихий-революцион темадаги полотнолари ичида, айниқса, «Дўстлик» композицияси алоҳида ажралиб туради. Айни пайтда бу асар Ленин мавзусидаги энг яхши асарлар сирасидан ҳамдир. Рассом буюк доҳий образининг ички руҳий оламини очиб беришгина қолмасдан, инсоният йўлбошчисини муқаррар равишда етилаётган ва рўёбга чиқиши шарт бўлган революция рамзи сифатида талқин этган. Унинг шу мавзудаги «Ленин Мирзачўлда» (Улуғ Октябрь 60 йиллигига бағишланган) янги асарида жаҳон пролетариатининг доҳийси Мирзачўлни ўзлаштириш плани устида ишлаётган жараён акс эттирилган. Абдуллаев Ленин мавзуси борасида 1960 йилдан буён астойдил ижодий меҳнат қилиб келмоқда. Унинг яна ёғли бўёқ билан ишланган иккита портрети машҳурдир.

1967 йили рассом «М. И. Калинин ўзбек деҳқонлари орасида» картинасини яратди. У картина Улуғ Октябрь 50 йиллигига бағишланган республика кўргазмасида муваффақият билан намойиш этилган.

Абдуллаевни инсон руҳи ва характерининг тадқиқотчиси дейиш мумкин. Чунки у ўз қаҳрамонларини яхши билади. Бир марта чизган намунасини бир неча бор тасвирлайди, характери ва руҳий оламини юксалтириб боради, ҳар хил ҳаёт босқичларида кўрсатади. Рассомни меҳнаткашлар, ҳилма-хил ёшдаги кишилар, ўткир характерли одамлар қизиқтиради. Унинг «Автопортрет», «Она портрети» асарлари композициясининг аниқлиги ва оддийлиги билан, ранглар уйғунлигининг бир меёрда сақланиши билан, характерларининг равшанлиги билан киши диққатини тортади. Рассом чизган портретлар моҳиятни ялғаб олинган инсонлар сиймосининг сиртқи кўринишини ва характерининг юздаги ифодаси билангина эмас, балки ўзига хос шахсий ички дунёсининг очиб берилиши билан ҳам хотирангизга ўрнашиб қолади. Ҳудди яхши қисса ва роман қаҳрамонларидек узоқ вақт ёдингиздан чиқмайди.

Ҳаёт қийинчиликларини енгишда руҳий куч ва иродани мисли сиз қудратини рассом ўзининг кўпгина қаҳрамонлари сиймосида акс эттиради. Ана шундай картиналар сирасига унинг «Колхозчи портрети», «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров портрети» (ҳайкалтарошлик асари) ва бошқа асарларини кўшиш мумкин. Шунингдек, рассом ижодида ҳарбий мавзу, ҳарбий арбоблар портрети ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Инсон қалбининг инженери, ўткир психолог рассом Самиг Абдуллаев бадиий образ яратар экан, ўзи тасвирлаётган образга ўзининг шахсий муносабатини ҳам сингдириб юборади. Унинг кейинги йилларда яратган ижодий ишлари орасида, айниқса «Маданият ҳомийси Ф. Ҳ. Норҳўжаев» (ёғли бўёқда ишланган), «Автопортрет» (1977 йил), «Совет Иттифоқи Қаҳрамони Умиров портрети», «Совет Иттифоқи Қаҳрамони Эргашев портрети», «С. Е. Белоножко портрети» ва бошқалар алоҳида диққатга сазовор.

Болалар характери ва дунёси ранг-баранг ҳамда жозибалидир. Абдуллаев болалар образи галереясини яратган рассомлардан. У болалар образини яратишга жиддий ҳамда ҳурмат билан ёндошади. Нафис тасвирланган «Резида», «Нонла портрети», «Раъно» ва шу каби асарлари фикримизнинг яққол далилидир.

Самиг Абдуллаев — кўпқиррали рассом. Бизнинг назаримизда у энг яхши мусаввирлардан бири. Буйдан ташқари у натюрмортлар ҳам чизади, ҳайкалтарошлик асарлари билан ҳам шуғулланади. Ҳамма соҳада ҳам ўзига хос талантга эга. Умуман, кўргазмадаги асарлар кўзгудек рассом умрини акс эттириб турибди.

Моҳир мўйқалам соҳиби Абдуллаев ижодий фаолиятини давом эттиргани ҳолда йирик жамоат ишларини ҳам олиб бормоқда. У ўн йил (1945 йилдан 1955 йилгача) Ўзбекистон Рассомлар союзи раиси бўлиб ишлади. 1956 йилдан буён эса Ўзбекистон Давлат санъат музейи директоридир.

Улуғ Ватан урушидаги жасоратлари учун Абдуллаев олти орден, беш медаль билан мукофотланган ҳамда Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Самиг Абдуллаевнинг ижодий ишларини ҳам партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлаб келмоқда. 1967 йили Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми фармони билан унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби деган юксак унвон берилди.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
Э. МУҲАМЕДОВ.

Спорт

ДУРАНГНИ КУТИБ...

Бугун Будапештда Венгрия футболчилари Греция командаси билан группадаги сўнгги ўйинни ўтказишади. Ҳар иккала команда охирги ўйин олдидан учтадан очкога эга. Ғолиб келган томон группада биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатининг навбатдаги босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Агар ўйин дуранг бўлиб тугайдиган бўлса, (футбол мухлислари ана шуни кутишмоқда) у ҳолда тўплар нисбатига кўра СССР терма командаси биринчи ўринга чиқади.

ХОККЕЙЧА ҲИСОБ БИЛАН

Республика футбол чемпионатининг навбатдаги турида пешқадам «Хева» футболчилари Деновинг «Сурхон» командасини қабул қилишди. Биринчиликда ҳужжумкор ўйин кўрсатиб бундан аввалги саккиз турда бирорта ҳам очко йўқотмаган Хева футболчиларининг бу сафар ҳам ғолиб келиши ҳеч кимни шубҳалантирмаган эди. Аммо пешқадам билан аутсайдернинг учрашуви хоккейча ҳисоб 11:0 бўлиб тугашини кўпчилик кутмаган эди. Пешқадам бу ғалабадан кейин тўплар нисбатини жуда яхшилабгина қолмай, 18 очко билан ягона пешқадам бўлиб олди. Кейинги ўринларда бораётган Наманганнинг «Текстильщик» ва «Каршистрой» футболчилари 5—6 очко кам тўплашди.

ЧАВАНДОЗЛАР ОТ СУРГАНДА

Тошкент отчопари ва Чирчиқ спорт базасида уч республика Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистон чавандозларининг мусобақалари бўлиб ўтди. «Пахтакор», «Колхозчи» ва «Ҳосилот» жамияти терма командалари сафида энг кучли чавандозлар иштирок этишди. Ҳар бир турда ғолиблик учун кескин кураш бўлди. Айниқса мусобақанинг сўнгги куни уч ёшдан катта бўлган отларда ўтказилган учкураш ўйинлари ишқибозларда катта таассурот қолдирди. «Пахтакор» командаси аъзолари Владимир Петров ва Жўрақўзи Турдиматовлар биринчи ва иккинчи мукофотли ўринларни олишди. Учинчи ўринга эса ашхободлик Турдимурод Канаев кўтарилди.

334 очко тўплаган «Пахтакор» чавандозлари мусобақа ғолиби бўлдилар. «Пахтакор»нинг иккинчи командаси иккинчи ўринни эгаллади. «Ҳосилот» спортчилари учинчи бўлишди.

ЕШЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Шу кунларда республикамиз шаҳар ва район спорт базаларида ёшлар ўртасида Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программаси асосида спорт ўйинлари ҳамда республика мактаб ўқувчиларининг XXV спартакиадаси давом этмоқда. Мусобақалар программасига спортнинг 27 тури киритилган. Эркин курашчиларнинг белбашувлари қашқадарёлик полвонлар ғалабаси билан тугади. Классик курашчилар мусобақасида эса Тошкент командаси биринчи бўлди. Ёш чарм қўлқоп усталари олишувлари ҳам тошкентликлар ғалабаси билан якунланди. Эртага «Пахтакор» стадионида ўқувчи спортчиларнинг XXV спартакиадаси байроғи кўтарилади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Ўсмирлар ижоди. 11.00 — Узингдан сўра (бадиий фильм, 2-серия). 12.05 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.00 — Африка озодлиги кунига бағишланган кўрсатув. 13.55 — Совет қонунчилиги асослари. 16.25 — Бекат назоратчиси (бадиий фильм). 17.30 — Фан оламида. 18.00 — Концрет. 18.15—Горничилар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Т. Хренников. 3-симфония. 19.25 — «Спортлото» тиражи. 19.35 — 9-студия. 20.35 — О. Бальзак романи асосида ишланган бадиий фильм (3-серия). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30—Киноальманах. 12.10 —Сергей Лазо (бадиий фильм). 16.20 — Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг XXV спартакиадаси. Спорт гимнастикаси. 19.00 — Интернационал дўстлик клуби. 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Актёрлар ва роллар. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Камолиддин Раҳимов куйлайди. 22.00— «Вақт». 22.30—Алангали сўнмоқлар (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Қизиқувчилар экрани. 19.35 — Ёқимтой алдоқчи (телеспектакль, 2-қисм). 20.30 — Тошкент янгиликлари. 20.50 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 21.20 — Химия.

Театр

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25|V да Спартак, 26|V да Дилором.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25|V да Келинлар қўзғолони, 26|V да Кўрмайин босдим тиконни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 25|V да Кўнгли ёш қариялар, 26|V да Хотинимнинг эри.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

«Йўлбарслар» тунда пайдо бўлади — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Биз бир-биримизни шундан севардинки... — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (16, 18.30, 21.00), «ДРУЖБА» (18, 20.40), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими — «ҚОЗОГИСТОН» (17, 20.00), «ДРУЖБА» (17, 20.00).

Бизнинг қарз — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Эркаклар учун алла — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Тошкент область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» номли совхозининг собиқ директори Алексей Иванович ТЕНнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



СУРАТДА: Тошкентнинг Қорақамиш массивида яни фойдаланишга топширилган турар-жой бинолари.

А. Абалян фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 01420. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1629.